

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**



**MADANIYATLARARO MULOQOTDA SHARQ TILLARINING AHAMIYATI**

**XALQARO ONLAYN ILMIY-AMALIY ANJUMAN MATERIALLARI**

**THE ROLE OF ORIENTAL LANGUAGES IN INTERCULTURAL  
COMMUNICATION**

**INTERNATIONAL ONLINE SCIENTIFIC CONFERENCE**

“TAMADDUN”

Toshkent – 2021

UO‘K 821.512.133.06(091)  
KBK 83.3

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7-fevraldagi 56-f-sonli Farmoyishi bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasida 2020-yilda xalqaro va Respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasi”da belgilangan tadbirlarni amalga oshirish va O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2020-yil 13-fevraldagi “Vazirlik tizimidagi oliy ta’lim va ilmiy-tadqiqot muassasalarida 2020 yilda o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi №116-sonli buyrug‘ida belgilangan tadbirlarni amalga oshirish maqsadida Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti sizlarni Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, EIRning O‘zbekistondagi elchixonasi qoshidagi Madaniyat vakolatxonasi, Ar Riyod "Tadqiqotlar va ma’rifiy aloqalar markazi” (Saudiya Arabistoni), Qirol Saud Universiteti (Saudiya Arabistoni), Malang Muhammadiyah Universiteti (Indoneziya), Haydar Aliev nomidagi Ozarbayjon Madaniyat markazi, Fuzuliy nomidagi ilmiy tadqiqot markazi (Ozarbayjon), Ozarbayjon Fanlar Akademiyasi Nizomiy nomidagi Adabiyot instituti, Kobul davlat universiteti (Afg‘oniston), O‘rta Osiyo Amerika Universiteti (Kirg‘iziston), va Indiana Universiteti (AQSH) bilan hamkorlikda 2020 yilning 20-21 noyabr kunlari “Madaniyatlararo muloqotda sharq tillarining ahamiyati” mavzusida masofaviy-onlayn ilmiy-amaliy 2020-yil 20-21 noyabrda ZOOM platformasi orqali onlayn o‘tkazildi.

To‘plamdan taniqli olimlar, metodistlar, o‘qituvchilar bilan bir qatorda ToshDO‘TAU iqtidorli talabalari hamda xorijiy hamkorlarimizning ham maqolalari ham o‘rin olgan.

To‘plam til va adabiyot ta‘limi bilan shug‘ullanuvchi professor-o‘qituvchilar, shu sohaning tadqiqotchilari, magistr va talabalarga mo‘ljallangan.

Anjuman hay’ati raisi:

Sarvinoz Sotiboldiyeva – filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Taqrizchilar:

Z.Abdirashidov – filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent

M.Saidumarov– filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Anjuman hay’ati a‘zolari:

H.Turdiyeva, S.Abdunabiyev, N.Sulaymonova, O.To‘ychiyeva, N.Rashidova, M.Nurillayev, J.Turdiyev, U.Mahmudov, I.Abdullayeva, Ch.Hasanova, P.Izzatillayev

Mazkur to‘plam matni Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat ozbek tili va adabiyoti universiteti Kengashida muhokama qilinib, nashrga tavsiya qilingan.

***Izoh: Maqolalarning ilmiy saviyasi va imlosi uchun mualliflar o‘zlari mas’uldirlar.***

ISBN 978-9943-5116-3-7

***Мурзакматов Аманбек Камытович, Курбанбаев Кылычбек Азимович, Маражапова Нуржан Кенжекуловна***

МУСУЛЬМАНСКИЙ ЭТИКЕТ КАК СРЕДСТВО НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ: НА МАТЕРИАЛАХ СОЧИНЕНИЯ «АДАБ-УЛЬ-САЛИХЫН» (УЧТИВОСТЬ ПРАВЕДНЫХ)..... 270

***Исаков Кубанычбек Абдыкадырович, Бердиев Асан Токсонович***

«КУТАДГУ БИЛИГ» ДУХОВНАЯ НАСЛЕДИЕ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ ..... 277

***Худайбергенова Зилола Нарбаевна***

ТУРКЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИДА ТУРК МАЪРИФАТПАРВАРИ ЗИЁ ГЎКАЛПНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ..... 281

***Вера Мухамеджанова***

ПРИЗНАНИЕ НАУЧНЫХ ЦЕННОСТЕЙ ВОСТОЧНОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ В СТРАНАХ ЕВРОПЫ..... 288

***Абдулла Ўразбоев***

ТУРЛИ ГЕНЕТИК ТИПДАГИ ТИЛЛАР МУЛОҚОТИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ ..... 293

***Амилова Лолахон Абдулазизовна***

ТРАДИЦИОННОЕ ЮВЕЛИРНОЕ ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА МУСУЛЬМАНСКОГО ПЕРИОДА..... 298

***Шамсиева Шохиста Қудратуллаевна***

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҲОМИЛАДОРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ ..... 306

***Турдиева Хулкар Комиловна***

ФОРС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИ: МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ ..... 311

***Алимбоева Розия Давуловна***

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ХУСУСИЯТЛАРИ..... 318

***Алимова Севара Фархадовна***

ШАРҚ – ИНСОНИАТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ҚАДИМИЙ ЎЧОҒИ ..... 321

***Хошимова Гулсина Исмойловна***

ВОЕННАЯ КУЛЬТУРА ЯВЛЯЕТСЯ ФОРМОЙ ЗАЩИТЫ ИНТЕРЕСОВ ОБЩЕСТВА, ГОСУДАРСТВА И ЛИЧНОСТИ ..... 337

***Egamberdiyeva Mukarram Shoolimovna***

YAPON FOLKLORIDA ERTAKLARNING O'RNI VA ULARGA YUKLATILGAN DIDAKTIK G'OYALAR..... 343

***Nigmatov Alisher Xayrulla o'g'li, Sahobiddinova Mavluda Baxtiyor qizi***

принадлежит не одному, а всем тюрко-язычным народам и является их общим достоянием, общим культурным богатством.

Анализируя противоречивые суждения теоретиков о национальной принадлежности великого мыслителя к языку его дастана, мы пришли к выводу: как и другие мыслители средневековья – Аль-Фараби, Беруни, Махмуд Кашгари – Юсуф Баласагуни является представителем всех тюркских народов, а его произведения – всеобщим культурным наследием вышеуказанных народов в эпоху средневековья. Общеизвестно, что провозглашая общечеловеческие гуманистические идеи, гениальные личности становились сыновьями всего человечества. По нашему мнению Юсуф Баласагуни, также принадлежит к этой когорте выдающихся личностей, следовательно, и жизнедеятельность поэта, и его бессмертное творение достойны всестороннего, комплексного исследования.

Духовное наследие крупного представителя Восточного Ренессанса, поэта-мыслителя Юсуфа Баласагуни, жившего и творившего десять веков тому назад, является неиссякаемым духовным богатством всех времен. Оно не утратило актуальности и ныне, все более оказываясь в центре внимания исследователей различных континентов, работающих в разных направлениях науки.

Сам автор и его бессмертное творение широко известны среди востоковедов и тюркологов. Поэтому, нет ничего удивительного в том, что ученые мира вообще и философы, историки, лингвисты, литературоведы в частности, весьма активно исследуют феномен Юсуфа Баласагуни.

#### Литературы:

1. Алиев А. Духовное наследие средневековых ученых-энциклопедистов Центральной Азии. - Ош: Б.и., 2002. – 110 с.
2. Алтмышбаев А. Очерк истории развития общественно-политической и философской мысли в дореволюционной Киргизии. – Фрунзе: Илим, 1985. -148 с.
3. Ауэзов М. Энкидиада: К проблеме единства миров кочевья и оседлости. Кочевник – эстетика. – Алма-Ата: Гылым, 1998. - 287 с.
4. Баласагунский Юсуф, Благодатное знание. - М.: Наука, 1983. – 556 с.
5. Бекбоев А. Концепция необходимости и случайности в учении античных и восточных мыслителей. – Фрунзе: Наука, 1989. – 135 с.
6. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с.
7. Касымжанов А., Мажиденова Д. Очарование знания. – Фрунзе: Кыргызстан. 1990. – 152с.
8. Конрад Н. «Средние века» в исторической науке. – М.: 1955. – 417 с.
9. Мец А. Мусульманский ренессанс. М.: Наука, 1973. – 473 с.

#### **ТУРКЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИДА ТУРК МАЪРИФАТПАРВАРИ ЗИЁ ГЎКАЛПНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

*Худайбергенова Зилола Нарбаевна*

*Филология фанлари доктори, профессор*

*Бартин университети, Бартин шаҳри, Туркия*

+905340233813 (телеграм, whats app)  
[aloliz74@mail.ru](mailto:aloliz74@mail.ru)  
[zilolakhudaybergenova4774@gmail.com](mailto:zilolakhudaybergenova4774@gmail.com)

**Аннотация.** Маълумки, Туркия Республикасининг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётида, фан ва адабиётида туркчилик ғоялари етакчи ўринни эгаллайди. Ёш Туркиянинг миллий мафқурасини ишлаб чиққан ва туркчилик ғояларининг шаклланишига тамал тошини қўйган шахс буюк мутафаккур олим Зиё Гўкалпдир. Туркияда бу олим ва шоирнинг 9 жилдлик куллиёти чоп қилинган. Зиё Гўкалпнинг тарихга оид асарларида Туркия ва туркий халқларнинг демократик ва миллий мустақиллик, тараққиёт йўлига ўтишининг тарихий, сиёсий тафсилотлари, назарий муаммолари, тажрибаси ва энг муҳими, туркий тамаддуннинг келгуси тараққиёт йўллари баён этилган. Зиё Гўкалпнинг асарларининг ҳаммасида бу илк буюк ғоянинг изларини топиш мумкин. Аммо унинг энг муҳим асари, туркчиликни бир дастурга айлантириб ёзган асари “Türkçülüğün Esasları” - “Туркчилик асослари” асаридир.

**Калит сўзлар:** *Туркия, Зиё Гўкалп, “Türkçülüğün Esasları”, маърифатпарварлик, туркчилик*

**Аннотация.** Известно, что идеи тюркизма играют ведущую роль в общественной, политической, культурной жизни, науке и литературе Турецкой Республики. Великий мыслитель и ученый Зия Гокалп - человек, который разработал национальную идеологию молодой Турции и заложил фундамент для формирования идей тюркизма. В Турции издан 9-томный сборник этого ученого и поэта. Исторические труды Зии Гёкалп описывают исторические и политические детали, теоретические проблемы, опыт и, самое главное, будущее развитие турецкой цивилизации. Следы этой первой великой идеи можно найти во всех произведениях Зии Гокалп. Но самое главное его произведение, превратившее тюркизм в программу, это - “Türkçülüğün Esasları” - «Основы тюркизма».

**Ключевые слова:** *Турция, Зия Гокалп, «Основы тюркизма», просвещение, тюркизм.*

**Abstract.** It is known that the ideas of Turkism play a leading role in the public, political, cultural life, science and literature of the Turkish Republic. The great thinker and scientist Ziya Gokalp is a person who developed the national ideology of young Turkey and laid the foundation for the formation of the ideas of Turkism. A 9-volume collection of this scientist and poet has been published in Turkey. Zia Gökalp's historical works describe historical and political details, theoretical problems, experiences and, most importantly, the future development of Turkish civilization. Traces of this first great idea can be found in all of Zia Gokalp's works. But his most important work, which turned Turkism into a program, is “Türkçülüğün Esasları” - “Foundations of Turkism”.

**Key words:** *Turkey, Ziya Gokalp, "Foundations of Turkism", enlightenment, Turkism.*

Туркия тарихида биринчи сираларида ўрин олган шахслардан бири Зиё Гўкалп ҳисобланади. Диёрбакирда туғилиб ўсган бу инсон Туркия учун қилган катта хизматлари эвазига Туркия тарихидаги буюк ва ардоқли шахслардан бирига айланган. Зиё Гўкалпнинг туркчиликка қилган буюк хизмати турк миллатчилиги, яъни туркчилик соҳасига оиддир. Туркия тарихининг узоқ асрларидан бери мавжуд бўлган, аммо

Танзимотдан кейинги даврда ҳам давомли, ҳам шуурли моҳият олган туркчиликни илк бор бир дастур шаклида баён этган инсон Зиё Гўкалп бўлган[1, 304].

Зиё Кўкалпнинг асли исми Меҳмед Зиё Тавфиқ Афанди ўғли бўлиб, авваломбор, файласуф ва социолог сифатида фаолият кўрсатган. Чунки Зиё Гўкалп Туркия Республикасида миллий мафкура ва социология фанига асос солган. Шу биланга, ёшлигидан бошлаб Туркияда султонлик тузумига қарши курашди. Зиё Гўкалп бундан ташқари 1908 йилдан "Ёш қаламлар" журналини нашр қилдирди. Зиё Гўкалп барча туркий халқларни туркчилик асосида бирлаштириш тарафдори бўлган, туркий дунё бирлиги ғояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди. Бунинг учун Усмонлилар султонлиги томонидан таъқиб ва қувғинга учради, сургун қилинди ва қамокқа ташланди. Кейинчалик Мустафо Камол Отатурк томонидан Туркия Республикасининг масъул лавозимларига тайинланди. Зиё Гўкалп Ёш Туркиянинг миллий мафкурасини ишлаб чиқди. Туркияда бу олим ва шоирнинг 9 жилдлик куллиёти чоп қилинди. Зиё Гўкалпнинг тарихга оид асарларида Туркия ва туркий халқларнинг демократик ва миллий мустақиллик, тараққиёт йўлига ўтишининг тарихий, сиёсий тафсилотлари, назарий муаммолари, тажрибаси ва энг муҳими, туркий тамаддуннинг келгуси тараққиёт йўллари баён этилган[2, 1-3]. Зиё Гўкалпнинг асарларининг ҳаммасида бу илк буюк ғоянинг изларини топиш мумкин. Аммо унинг энг муҳим асари, туркчиликни бир дастурга айлантириб ёзган асари "Türkçülüğün Esasları" - "Туркчилик асослари" асаридир[3,14]. Зиё Гўкалпдан аввалги туркчилар турк миллати боғланадиган ғоянинг туркчилик бўлганини англаганлар ва буни асарларида англантишга ҳаракат қилишган. Фақат бу буюк ҳақиқатни миллатга етказишганини айтиб бўлмайди. Зиё Гўкалп эса Туркия тарихининг энг бўҳронли бир даврида бир неча дўсти билан киришган кураши билан турк наслининг ғояси бўлган туркчиликнинг кенг ёйишга имкон топган.

Зиё Гўкалп бу фикр кураши даврида ўша вақтларда Селаникда нашр этилган "Genç Kalemler" – "Ёш қаламлар" журналида босилган "Турон" шеърининг охириги байтида "ватан" тушунчасини шундай баён этган[4,12]:

*Vatan; ne Türkiye'dir Türklere, ne Türkistan,*

*Vatan; büyük ve müebbet bir ülkedir: Turan!*

*Ватан на Туркиядир туркларга, на Туркистон*

*Ватан, буюк ва абад бир ўлкадир: Турон!*

Туркларнинг буюк фикр одами ҳаёти бўйича бу ғоянинг тарқалиги учун ҳаракат қилган, ҳамда туркли масалаларининг ҳар доим бу она фикр атрофида қўлга олган ва тадқиқ қилган.

Зиё Гўкалпнинг фикрига кўра, турк бир миллатнинг номидир. Бир миллатнинг бир тили ва ягона бир ғояси бўлади. Баъзи турк шўъбаларининг Туркия турклигининг айри бир тил ва маданиятга соҳиб бўлишга ҳаракат қилишлари тўғри эмас. Турклар бирлашишлари керак. Аммо бу бирлашиш бугунги кун учун фақат маданият бирлашуви бўлиши мумкин[5, 14].

Зиё Гўкалп турклик масаласини бу шаклда баён этганидан кейин турк миллатининг бу ягона ғоянинг нималигини аниқлашга ҳаракат қилишган. Зиё Гўкалпнинг ёзишича, турк ғоясининг узоқ ва яқин шакллари аждратиш керак. Яқин ғоя Ўғиз ёки "турк"ман ғоясидир[5, 16]. Чунки маданият жиҳатидан бирлашувнинг энг осон йўли Ўғуз туркларидир. Туркиялик турклардан бошқа Озарбайжон, Эрон ва Хоразм ўлкаларининг турклари ҳам ўғуз наслидандир. Бу жиҳатдан туркчиликнинг яқин ғояси бу авлоддан бўлган туркларнинг бирлашмаси, яъни Ўғуз бирлиги ёки

“Турк”ман бирлигидир. Иккинчи ғоя эса Турондир. Турон ғояси Туронли қавмларнинг бирлашмасидан юзага келадиган қавмлар аралашуви эмас, фақат туркларнинг бирлигидир. Зиё Гўкалпнинг фикрича, бундай бирлашиш мумкинми, деб сўрашга ҳожат йўқ. Чунги бу бир ғоядир. Шу билан бирга, туркларнинг руҳларидаги ҳаяжонни сўнгсиз бир даражага олиб борадиган жозибали бир ғоядир. Турк миллатини бундай сеҳрли ва жўштирувчи туйғудан йўқсин қолдириб бўлмайди. Туркчилик фикрининг бу даража тез ривожланишига энг буюк сабаб Турон ғоясининг руҳларда ва кўнгилларда ёққат оташ ва буюк ҳамла кучидир. Турон ғояси бугунги кунда бир хаёл каби кўринса ҳам, тарихда бир ҳақиқатдир. Чунки турклар тарихда бир неча бор бирлашишган[6, 55].

Зиё Гўкалп бугунги ҳаяжон ва ҳамла манбаси бўлган хаёл билан тарихнинг ҳақиқатини бирлаштириб, шу хулосага бормоқда: *Tarihte gerçek olan şeyler, gelecekte de gerçek olabilir!* – Тарихда ҳақиқат бўлган нарсалар, келажакда ҳам ҳақиқат бўлиши мумкин[5, 11].

Зиё Гўкалп туркларнинг бу буюк ғоясини фақат илмий асарларида ва мақолаларида ёритиш билан чекланмаган, турклик ғоясининг турк миллатининг ҳар қатламидаги шахслари ва жамоалари орасида ёйилиши учун бу мавзунини илмий бўлмаган асарларида, масалан, шеърларида ҳам турли шакллари ёритишга ҳаракат қилган.

Зиё Гўкалпнинг шеърларида ҳам туркчилик, маърифатпарварлик ғоялари кенг ўрин олган. Турк халқини уйғотиш, Европа маданиятидан фойдаланиш, шу билан бирга, турк миллатининг, халқларининг урф-одатлари ва анаъаналаридан кенг миқёсда фойдаланиш, халқ ичига кириш масалаларини кўтаргани билан аҳамиятлидир.

Туркия тарихи, маданиятида ва шеърлятида муҳим ўрин тутган Зиё Гўкалпнинг ҳаёти ва ижоди турк билими дунёсида атрофлича ўрганилган. Масалан, Али Нузхет Зиё Гўкалпнинг ҳаёти ва ижодни ўрганган бўлиб, айниқса, унинг Малтадаги сургун даврини тадқиқ этган. Бу олим асосий эътиборини шу даврда Зиё Гўкалпнинг фикрий ва ҳиссиё дунёсини таҳлил этган[3]. Жавит Ўрхан Тутунгил Зиё Гўкалпнинг ҳаёти ва ижодининг асосий йўналишларини ўрганган[7]. Ҳасан Тунжай ва Ҳикмет Танйу ҳам Зиё Гўкалпнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган[4,2]. Яна бир турк олими Ҳилми Зиё Улкен Туркиядаги туркчилик ғояларини таҳлил этар экан, Зиё Гўкалпнинг Туркия тарихидаги ўрни ва ролини ўрганади[1]. Зиё Гўкалпнинг ҳаёти ва ижоди чет элларда ҳам ўрганилган. Масалан, инглиз олими Уриел Хейд турк халқчилиги, миллатчилиги ўрганар экан, бу ғояга илмий асос яратган Зиё Гўкалп шахсига алоҳида тўхталиб ўтган[8].

Ўзбек туркшунослигида Адҳамбек Алимбеков, Лола Аминова ва Пошшажон Кенжаеваларнинг китоблари ва тадқиқотлари чоп этилган. Адҳамбек Алимбеков турк адабиёти билан боғлиқ ўқув адабиёти чоп эттирган[9, 10, 11]. Лола Аминова Инжа Мамад романининг таҳлили билан шуғулланган. Пошшажон Кенжаева XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт масалаларини ўрганган. Лекин ўзбек туркшунослигида Зиё Гўкалпнинг ҳаёти ва ижоди, туркчиликнинг ривожига қўшган ҳиссаси масалалари махсус ўрганилмаган.

Бир қатор турк зиёлилари каби Зиё Гўкалп фикрлари доирасида Усмонли давлатининг парчаланиш даврига юз тутган пайтда кўтарилган сиёсий, ҳарбий, диний ва иқтисодий муаммоларнинг чуқур изларини кўриш мумкиндир. Бу омилларнинг таъсири натижасида Зиё Гўкалпнинг дунёқарашида халқчиллик тушунчаси муҳим ўрин

тута бошлади. Аммо Зиё Гўкалпнинг халқчиллиги этник қарашга асосланган эмас, маданий бир халқчилликдир.

Жуда фарқли соҳаларда асарлар ёзган Зиё Гўкалпнинг фикр доирасининг шаклланиши жараёнида оила давраси, Ismail Hakki Bey, Yorgi Efendi, Ibrahim Temo, Dr. Abdullah Cevdet, Ishak Sukuti ve Naim Beylerнинг, шу билан бирга, Genç Türkler – Ёш турклар ҳаракатининг таъсири кузатилади. Зиё Гўкалп дунёқараши туфайли Ittihat ve Terakki Cemiyeti – Иттиҳод ва Тараққий жамиятининг турли даражаларидаги вазифаларида фаолият кўрсатган. Айни шаклда Durkheimнинг социологик қарашлари Зиё Гўкалпнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатган[8]. Зиё Гўкалпнинг отаси Tevfik Efendi адабиётга қизиққан ва ўғлининг ҳар маънода комил инсон бўлиб етишишига катта таъсир кўрсатган инсонлардан бириси бўлган. Зиё Гўкалпнинг адабиётга бўлган қизиқиши отасидан ўтганини айтиш мумкин[3,12].

Европада етишиб чиққан ёшларнинг ўз маданиятларига бегона қолганликлари, мадарасада ўқиган ўқувчиларнинг ҳам дунёдаги тараққиётлардан хабардор бўлмасликлари учун танқид қилган Tevfik Efendi ўғлидан шарқ қадриятларини ўзлаштириб, мусулмон бўлиб қолиб, ғарбона бир таълим олишини ва ҳар икки маданиятни ўрганиб, уларни қиёслаб, керагини қабул қилишини истагандир. Tevfik Efendining бу қарори Зиё Гўкалпнинг ҳаётидаги энг катта таъсири бўлган[4,20-21].

1888 йилнинг 28 декабрида Namik Kemalнинг вафот этганида, Tevfik Efendining ўғлига унинг каби ҳурриятчи ва ватанпарвар бўлишни ўғит бергани ҳам Зиё Гўкалпнинг ҳаётидаги муҳим нуқталардан биридир[2, 9]. Шу билан бирга, онасининг ҳам бувисининг ҳам олган таълими ва муҳитнинг ҳам таъсири билан Зиё Гўкалпга энг камида отаси қадар таъсир кўрсатишган ва йўнлантиришган[4, 21].

Зиё Гўкалп Diyarbakırда доктор Yorgi Efendidan фалсафа бўйича хусусий дарслар олган. Улар Гўкалпнинг дўстлари билан йиғилишлар қилишган. Уларнинг бир суҳбатида турк ёшларининг Мешрутият қуриш учун ҳаракат қилганликларини, бунинг мақтовга лойиқ бир ғайрат бўлганини қайд этган. Амалга ошириладиган инқилобнинг фойдали ва таъсирли бўлиши учун мутлақо ўлканинг социологик ва психологик тузилишига мос бўлиши кераклигини ифода этган бу устозининг бу васияти Зиё Гўкалпнинг келгуси ҳаётида муҳим роль ўйнаган[4,31].

1899–1900 уиillarda қамокда ётган Зиё Гўкалп Наим Бей билан танишади. Бу шахс ҳам Зиё Гўкалпнинг дунёқараши шаклланишига катта ҳисса қўшган. Naim Bey Мешрутиятнинг мутлақо эълон қилинишини, аммо ил маршрутиятнинг узоқ муддат давом этмаслигини, мажлиснинг турли интригалар, уруш-жанжаллар сабабли ёпилишини айтган. Унинг фикрига кўра, мажлиснинг ёпилишидаги энг муҳим сабаб чуқур бир уйқуда бўлган халқнинг маршрутиятнинг ҳақиқий қийматини билмаслигидир. Халққа маршрутиятнинг керак эканлигини англаш зарур. Бунинг ягона йўли эркин нашрдир. Зиё Гўкалп нашрни эркинлаштирилишини дуч келган ҳар бир ёшга ўғитлаган[3, 27-31]. Ўзига Naim Beyнинг васиятини йўлланма деб қабул этган Зиё Гўкалп уни ўзига бир “пир” бўлганини таъкидлаган. Зиё Гўкалп ўзидан кейинги авлодга бу васиятни туркчи олимнинг васияти деб таърифлаган. Ўрта мактабда ўқиган пайтларида фалсафа ва ижтимоий билимларга қизиқиш ҳиссини туя бошлаган Зиё Гўкалп француз тили дарсини мактаб ўқитувчиларидан Yorgi Efendidan олган. Зиё Гўкалпда фалсафага қизиқиш уйғотган ҳам Yorgi Efendi бўлган[1, 304].

Зиё Гўкалп “Türkleşmek, İslamlaşmak, Muasırlaşmak” – “Турклашмоқ, исломлашмоқ, замонавийлашмоқ” номли асарида бу васиятни шундай очиқлаган: “Türk



milletindenim, Islam Ümmetindenim, Avrupa Medeniyetindenim”. - “Турк миллатиданман, Ислом умматиданман, Европа мааниятиданман”[6, 32]. Зиё Гўкалпнинг фикрича, “Türk ulusuna, Islam dinine ve Batı uygarlığına dahiliz” - “Турк халқига, Ислом динига, Ғарб тамаддунига тааллуқлимиз”[6, 35]. Яъни бу ерда анчагина кенг бир ҳудудда, бой ва динамик бир маланиятга эга, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатидан жуда кучли бир Императорлик давридан, сиёсий, ташкилий, иқтисодий ва ҳарбий кризислар билан бирга орқага чекиниш муаммоларига қарши бу назарияни яратиш ва муаммони ҳал қилишнинг таъсирли бўлганини таъкидлаш керак.

Демак, Зиё Гўкалпнинг сиёсий тушунчалари билан даврнинг сиёсий далиллари орасида параллел бир алоқанинг мавжуд бўлганлигини айтиш мумкин. Зиё Гўкалпнинг фикрига кўра, миллатни ташкил этган қадриятларнинг энг бошида тил бирлиги, маданий тажриба алмашинуви ва дин турибди[6, 50–51]. Бошқача айтганда, Зиё Гўкалп бир маданият миллатчилигини олдиндан кўрмоқда, миллат бўла олиши учун этник ажратишларга диққат қаратмаяпти. Бунга Зиё Гўкалп “маданият миллатчилиги” номини бермоқда.

Шундай қилиб, Зиё Гўкалп дунё ва жўғрофий ҳақиқатларга уйғун бир миллат таърифлашга ўтмоқдадир. Жумҳурият қурувчилари томонидан қабул қилинган Зиё Гўкалпнинг бу миллатчилик қарашлари Америкадан бошлаб бошқа замондош жамиятларда ҳам аҳамиятли саналмоқда. Вақти вақти билан илгари сурилган этниклик ва маҳаллийлик билан бирга миллат далили ва миллийлашманининг бир-биридан анча фарқли нарсалар эканлигини очиқ-ойдин таъкидлаганини кўришимиз мумкин. Зиё Гўкалпнинг фикрига кўра, халқ, миллат бўлишнинг заруриятларидан бири бўлган дин бирлиги ва диндошликка асосланган бирлик бир-биридан фарқлидир ва зотан Зиё Гўкалп “уммат” деб таърифлаган диндошлик бирликдалигига қаршидир[8, 54]. Унинг айтишига қараганда, дин бир-биридан фарқли бўлган жўғрофияларда, фарқли маданият дунёларида ва турли жамиятларда фарқли бўлиши мумкин, аммо миллат бўлиш учун дин бирликдалигидан бошқа маданият ва тил бирлиги ҳам керакдир. Чунки маданият бирликдалиги учун умумий ижтимоий тарибалар, тажриба алмашинувлар, ҳиссиёт ва мушоҳадага эҳтиёж бордир. Бу доирада дин тилининг ҳам туркчалашмаси кераклигини ҳимоя қилган Зиё Гўкалпнинг бу қарашини Туркия Жумҳуриятининг қурилиши тарихидаги илк 10 йилларда бир давр яшай бошлаган. Марказий бир дин хизматлари идорасининг ташкил этилиши (Diyaret İşleri Başkanlığı) каби бир қатор сиёсий, маданий ва диний ишларнинг амалга оширишида ҳам яна Зиё Гўкалпнинг таъсири бўлгани аниқдир [13]. Шундан келиб чиққан ҳолда, иккинчи марта мажлисга сайланган Зиё Гўкалп билан Мустафо Кемал Ататуркнинг орасида яқин бир алоқа бўлмаса ҳам, фикрий яқинликлар бўлгани маълумдир. Зеро, касалигининг кучайиши натижасида, бутун даволаниш ҳаражатларини давлат томонидан тўланишини айтиб, чет элга юбормоқчи бўлган Ататуркка, Зиё Гўкалп вафотидан кейин оиласига ёрдам беришини сўраган. Ататурк ҳам бу истагини Мажлисда бир қарор чиқартиш орқали амалга оширган [8, 27].

Кучли бир шаклда маданият миллатчилигинини урғулаган Зиё Гўкалп этник миллатчилик ва ирқчиликка қарши бўлган. Унинг фикрига кўра, жамиятларнинг характери ирсий йўл билан эмас, маданият ва таълим-тарбия йўли билан шаклланимоқдадир. Зиё Гўкалпнинг ирқчиликка қарши бўлиши, ижтимоий ва фикрий воқеликка боғлиқдир[8, 53-54]. Зиё Гўкалп бу хулосага жамиятларнинг, айниқса турк жамиятининг тузилишини ва ижтимоий воқеликларни ўрганиш орқали борган. Зеро,

Зиё Гўкалпнинг жумхурият ва демократия ҳақидаги тушунчаларида ҳам бир ўзгариш бўлганлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Зиё Гўкалпнинг фикрига кўра, туркчилик алоҳида бир аҳамиятга эгадир. Зеро, Зиё Гўкалпнинг асарлари ҳар доим турк жамиятининг ўтмиши, бугуни ва келажаги, турк тили ва турк маданияти масалаларига қаратилган. Бу ҳиссиётлар, ва фикрлар билан у илмий, ахлоқий, маданий, ва фалсафий бир туркчилик тушунишини майдонга чиқарган [3, 120-134]. Зиё Гўкалп 1908 йилдан кейин Турк миллатчилари қаторига қўшилиши билан улусчилик, халқчилик бир система ҳолига келган. 18 йил турк жамиятининг ижтимоий ва маданий тузилиши бўйича фаолият юритган Зиё Гўкалп бу ғояни айниқса “Genç kalemler” – “Ёш қаламлар” журналида, айниқса, Турон” шеърида тилга олган. Илмий бир туркчилик ғоясини илгари сурган Зиё Гўкалп “Туркчилик асослари” китобида туркчиликни “Türkçülük, Türk milletini yükseltmektir” - “Туркчилик турк миллатини юксалтиришдир” деб таърифлаган эди[5, 16].

Зиё Гўкалпнинг фикрига қараганда, туркчиликнинг яқин мақсади ва узоқ мақсади бор. Яқин мақсад “Oğuz ya da Türkmen Birliği” – “Ўғуз ёки туркман”, узоқ мақсад эса “Turan” – “Турон”дир[4, 89]. Зиё Гўкалп туркчиликнинг тамойилини “Türkiyecilik” – “Туркиячилик”, “Oğuzculuk ya da Türkmencilik” - “Ўғузчилик ёки туркманчилик” ва “Turançılık” – “Турончилик” деб уч асосий бўлимга бўлган Зиё Гўкалп Жумхурият эълонидан кейин охириги икки бўлимидан воз кечган ва тамойилни “Türkiyecilik” – “Туркиячилик” деб ёзган эди. Турк жамияти учун мос деб ҳисоблаган туркчилик эса ижтимоий туркчилик бўлган эди. Унинг туркчилигида халққа қараб кетиш, халққа қараб йўналиш алоҳида аҳамиятга эга эди. Халққа эса ҳам ундан маданиятни олиш ва халққа маданиятни етказиш учун борилади[5, 41-42].

Зиё Гўкалпнинг тамаддун ва маданиятни бир-биридан ажратиш ҳақидаги фикрлари диққатни жалб этади. Ёзувчининг фикрига қараганда, маданият миллий, тамаддун эса умумбашарийдир. Тамаддун маданиятдан кейин келади ва унинг натижасидир. Зиё Гўкалп “Туркчилик асослари” китобида тамаддунни ташкил этган унсурларни саккиз бўлимга бўлган. Булар: 1. Тилда туркчилик. 2. Эстетикада туркчилик. 3. Ахлоқда туркчилик. 4. Ҳуқуқда туркчилик. 5. Динда туркчилик. 6. Иқтисодда туркчилик. 7. Фалсафада туркчилик. 8. Сиёсатда туркчилик [5, 113–188].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Зиё Гўкалп турк фикри, маданияти ва сиёсати тарихининг муҳим сиймоларидан биридир. Императорлик давридан халқчилик, давлатчиликка ўтиш даврида яшаган Зиё Гўкалп дуч келган муаммолар ва кризислар таъсирида турк жамияти ва турк маданиятига қўйилган социологик, маданий ва сиёсий назариялар ва қарашлар ҳали ҳам давом этмоқда. Зеро, Зиё Гўкалп бир бир қатор сиёсий, диний, ва маданий фикрлари ва таклифлари янги қурилган Туркия жумхурияти билан биргаликда ҳаётга ўтиш имкониятини топган. Гўкалпнинг бу ижтимоий ёндашувларига Ғарбона англашларнинг ҳам таъсири бўлгани аниқдир.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ülken Hilmi Ziya. Türkiye’de Çağdaş Düşünce Tarihi. Istanbul, 2001.
2. Tanyu Hikmet. Ziya Gökalp’in Kronolojisi. Ankara, 1981.
3. Nüzhet Ali. Ziya Gökalp’in Hayatı ve Malta Mektupları. Istanbul, 1931.
4. Tuncay Hasan. Ziya Gökalp. Istanbul, 1978.
5. Gökalp Ziya. Türkçülüğün Esasları. Hazırlayan: Mehmet Kaplan. Istanbul, 1972.
6. Gökalp Ziya. Türkleşmek İslamlaşmak Muasırlaşmak. Sadeleştiren: Yalçın Toker. Istanbul, 1997.

7. Tütengil Cavit Orhan. Ziya Gökalp Üzerine Notlar. Istanbul, 1956.
8. Heyd Uriel. Türk Ulusçuluğunun Temelleri. Çev. Kadir Günay. Ankara, 2002.
9. Алимбеков А. Турк адабиёти. Тошкент, 2003.
10. Аминова Л. Ёзувчи Яшар Камол ижодида бадий маҳорат масалалари. Филол. Фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Т., 2003.
11. Кенжаева П. XX аср турк хикоячилигининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фан. доктори. диссертация. Автореферат. Т., 2017/
12. Hasan Ali Koçer, Türkiye’de Modern Eğitimin Doğuşu ve Gelişimi (1773–1923), Istanbul, 1991.
13. [www.bilimarastirmavakfi.org/html2/yayinlar/cumhuriyetcilik.html](http://www.bilimarastirmavakfi.org/html2/yayinlar/cumhuriyetcilik.html), (12.11.2006).

## **ПРИЗНАНИЕ НАУЧНЫХ ЦЕННОСТЕЙ ВОСТОЧНОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ В СТРАНАХ ЕВРОПЫ**

***ВЕРА МУХАМЕДЖАНОВА***

*к. и. н., доцент,*

*Ташкентский государственный университет  
узбекского языка и литературы им. А. Навои*

**Аннотация.** В статье рассматривается сравнительный анализ характера политических культур различных обществ и на основе цивилизационного подхода делается возможность глубоко раскрыть их содержание, систему ценностей, особенности генезиса. Основные ценности восточных цивилизаций оказали значительное влияние на формирование духовности народов Востока и Запада, на социально экономический и политический уклад их жизни. Все «слагаемые» культуры Восточной цивилизации показаны в верованиях, искусстве, в научных и ненаучных видах знания, в основах нравственности и моральных нормах поведения, в законах и обычаях, в материальных традициях все то, что составляет специфику социокультурной ментальности. Исследуется это с позиции значимости в развитии всечеловеческого духовного понимания.

**Ключевые слова:** *Восток, Запад, цивилизация, характер, политическая культура, толерантность, гуманизм, мораль, ценности, достижения, общество, связи, отношения, контакты.*

## **RECOGNITION OF THE SCIENTIFIC VALUES OF EASTERN CIVILIZATION IN EUROPE**

***VERA MUKHAMEDZHANOVA***

**Abstract.** The article discusses a comparative analysis of the nature of the political cultures of various societies and, on the basis of a civilizational approach, makes it possible to deeply reveal their content, value system, and features of genesis. The basic values of